O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 15 апрель, № 74 (4484) Сешанба

Хорижий ижтимоий-сиёсий, таҳлилий нашрлар ҳамда бошқа оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг НАТО/Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши (СЕАП) саммитидаги нутқини кенг шарҳлашда давом этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

Россиянинг «РИА Новости» ахборот агентлиги Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Бухарестда «Афғонистонда амалга оширилиши ушбу мамлакатдаги вазиятга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган» ғоятда муҳим ташаббусларни илгари сурганига эътибор қаратади. «Бугун Ўзбекистон раҳбари фақатгина мулоқот гуруҳи доирасидаги музокаралар жараёнини қайта тиклашни таклиф этаётгани йўқ. Президент 2001 йилгача фаолият юритган «6+2» мулоқот гуруҳини «6+3» гуруҳига айлантиришни илгари сурган ҳолда унинг доирасидаги музокараларда НАТО ваколатхонаси ҳам, албатта, иштирок этиши лозимлигини назарда тутмоқда. Афғонистонда ушбу ташкилотнинг қуролли кучлари фаолият юритаётгани ҳисобга олинса, мазкур таклифнинг моҳияти аён бўлади. Президент Ислом Каримовнинг фикрига кўра, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш жараёнида барча манфаатдор томонлар иштирок этгандагина, ушбу мамлакатни қайта тиклаш борасидаги кенг қамровли режа ишлаб чиқиш имконияти пайдо бўлади», дея қайд этади агентлик.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг нутқи Кувайт Давлати оммавий ахборот воситаларида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Ушбу мамлакатнинг «Ал-Ватан», «Ал-Жарида», «Ал-Кабас», «Ал-Рай» каби етакчи даврий нашрлари юртимиз раҳбари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларга бағишланган қатор таҳлилий мақолаларни эълон қилди. Жумладан, **«Ал-Ватан» газетаси** Президент Ислом Каримов Бухарестдаги Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши саммитидаги нутқида НАТОни афғон халқининг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини қондириш, аҳолини иш билан таъминлаш, мамлакатдаги ҳокимиятнинг вертикал бошқарув тизимини такомиллаштириш, ҳокимият нуфузини ошириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратишга даъват этди. Бу эса, ўз навбатида, халқаро коалиция кучлари Афғонистон аҳолисининг ишончини қозонишига хизмат қилади.

«Ўзбекистон раҳбари аҳолининг диний ва миллий-маданий қадриятларини ҳурмат қилиш, камсонли миллатлар манфаатларини ҳимоя қилиш ва ушбу масала билан боғлиқ бўлган барча кафолатларни таъминлаш зарурлигини таъкидлади. Бу муҳим талабларни ҳисобга олмасдан Афғонистондаги муаммоларни ҳал этиш, мамлакатда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш мумкин эмас», деб ёзади газета.

Кувайтнинг **«Ал-Жарида» газетаси** ҳам ушбу фикрни ривожлантирган ва Ўзбекистон раҳбари томонидан илгари сурилган таклифларнинг аҳамиятига урғу берган ҳолда, юртимиз раҳбарининг 1997-2001 йилларда БМТ кўмагида самарали фаолият кўрсатган «6+2» мулоқот гуруҳи доирасида Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги музокаралар жараёнини қайта тиклаш ташаббусига алоҳида тўхталади.

«Маълумки, Афғонистонга қўшни давлатлар — Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон, Эрон, Покистон, Хитой ҳамда Россия ва Америка Қўшма Штатларининг ваколатли вакилларидан таркиб топган ушбу гуруҳнинг фаолияти Афғонистонда тинчликка эришиш бўйича умумий тамойиллар ва ягона ёндашувларни ишлаб чиқишга қаратилган эди», деб ёзади **«Ал-Жарида»**.

Ушбу мавзуга **«Ал-Кабас» газетаси ҳам** тўхталиб, жумладан, давлатимиз раҳбарининг «музокараларда НАТО ваколатхонаси иштирок этишини ҳисобга олиб, «6+2»ни «6+3» гуруҳига айлантириш» борасидаги ташаббусига эътибор қаратган.

(Давоми 2-бетда).

МАҲСУЛОТ СИФАТИ – КОРХОНА КЎЗГУСИ



Кейинги йилларда мамлакатимиз Президенти раҳнамолигида бошқа соҳалар қатори қишлоқ хўжалигида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Саноат

Хусусан, пахта толаси таннархини арзонлаштириш, унинг техник ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш, пахта толасини ишлаб чиқариш ҳамда сотишда бозор иқтисодиёти тамойиллари, жаҳон амалиётида қўлланилаётган илғор ҳисоб-китоб шакли, усулларини кенг жорий этиш, ички ва ташқи бозорда рақобат муҳитини яратиш борасида катта ишлар қилинди. Айни чоғда хорижий харидорларга маҳсулот етказиб бериш тизими яхшиланди, сертификатлаш, сақлаш, суғурта, божхона расмийлаштируви каби хизматлар тубдан такомиллаштирилди.

"Нишон" пахта тозалаш очиқ акциядорлик жамияти Қашқадарё вилоятидаги етакчи корхоналардан бири ҳисобланади. Йилига 75 минг тонна пахта хом ашёсини қайта ишлайдиган ушбу корхонада 750 нафар ишчи, муҳандис ва техник ходим меҳнат қилмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракати билан бир кеча-кундузда 130 тоннагача тола ишлаб чиқарилмоқда.

Корхонада бултур 48542 тонна пахта қабул қилинди ва ҳозирга келиб унинг асосий қисми қайта ишланиб, истеъмолчиларга етказиб берилди. Эътиборлиси шуки, бу ерда модернизациялаш ва ишлаб чиқаришга замонавий технологияларнинг татбиқ этилгани кутилган самарани берди. Мисол учун, режадаги 34,3 ўрнига 34,8 фоизгача олий сифатли тола ажратиб олинмоқда.

Мутахассислар маҳсулот харидоргирлигини оширишда товар ўрлиги, қадоқлаш ва жилдлаш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашади. Шу ўринда корхонада ишлаб чиқарилаётган тола тойлари ҳам ушбу мезонларга таянилган ҳолда буюртмачиларга етказиб берилмоқда. Бунда корхона маҳсулотларига жилд тикувчилар Мавжуда Ҳайитова (суратда) ва Раъно Ўлжаева сингари ишчиларнинг улуши катта бўлмоқда.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ – АМАЛДА

Тошкентда "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси томонидан ташкил этилган тармоқ саноат ярмаркаси ўз ишини бошлади. Ярмаркада "Ўзбекнефтгаз" компанияси таркибига кирувчи барча акциядорлик компаниялари иштирок этмоқда. Улар томонидан намойиш этилаётган тайёр маҳсулотлар намуналари, бутловчи қисмлар ва материаллар юқори қўшимча қийматга эга ҳамда экспортбоплиги билан эътиборни тортади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йил 12 ноябрда қабул қилинган "Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида истиқлол йилларида ўнлаб, шу жумладан, нефть-газ тармоғида ҳам янги йирик саноат корхоналари барпо этилгани, янги ва юқори технологик маҳсулотлар турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани таъкидланган.

Шу билан бирга, мавжуд саноат салоҳияти ҳали етарлича ишга солинмаяпти. Шу боис Юртбошимиз томонидан республикамиз саноатининг тез ривожланиб бораётган тармоқлари учун зарур бўлган, экспорт салоҳиятини кенгайтириш имконини берадиган бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, зарур материаллар ишлаб чиқарадиган ва хом ашё ресурсларини қайта ишлайдиган мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдек энг муҳим устувор вазифа қўйилди.

Доимий фаолият кўрсатувчи Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ушбу вазифани амалга оширишга кўмаклашади. Кооперация биржасида республикамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳақида кенг ахборот бериб борилмоқда, шерикларни топишда ёрдам кўрсатилмоқда, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари ўртасида ўз маҳсулотларини етказиб бериш бўйича хўжалик шартномалари тузилмоқда.

Шуни таъкидлаш муҳимки, асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, қайта ишланган маҳсулотлар ва материалларни Кооперация биржаси доирасида харид қилиш мамлакатимизнинг барча истеъмолчилари учун қўшимча тендерлар ўтказмай, тўғридан-тўғри шартномалар асосида амалга оширилмоқда. 2008 йилги маҳаллийлаштириш Дастурига киритилган корхоналар қўшимча солиқ имтиёзлари ва преференцияларга эга бўлди. Булар мазкур корхоналар учун катта рағбат бўлиб, бошқаларда ҳам қизиқиш уйғотиши шубҳасиз.

"Ўзбекнефтгаз" компанияси залида ташкил этилган тармоқ саноат ярмаркаси ҳам айнан шу мақсадларга хизмат қилади. Компания томонидан нефть-газ тармоғи, бошқа идора ва хўжалик бирлашмалари эҳтиёжлари, шунингдек, тармоқ-

(Давоми 2-бетда).

Жорий йилнинг 3-4 май кунлари Шаҳрисабзда кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Амир Темур хотирасига бағишланган V анъанавий халқаро турнир бўлиб ўтади.

ШАҲРИСАБЗ ЖАҲОН ПОЛВОНЛАРИНИ КУТМОҚДА

Кеча пойтахтимиздаги "Олимпия шон-шуҳрати" музейида ана шу нуфузли мусобақага тайёргарлик жараёнига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Унда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Кураш халқаро ассоциацияси раҳбарияти ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Маданият ва спорт ишлари вазири ўринбосари М. Аҳматов, Бутунжаҳон курашни ривожлантириш жамғармаси раиси Ҳ. Тожиев ва бошқалар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтаришди.

Таъкидландики, мамлакатимизда спортнинг бошқа турлари қатори курашни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Шу ўринда 1992 йилда Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган, ҳар тўрт йилда ўтказиладиган Амир Темур халқаро турнирининг ҳам миллий қадриятимизни дунёга оммалаштиришда катта ўрни бор. Анъанавий халқаро турнирнинг бу сафаргисида дунёнинг 50 га яқин мамлакатидан полвонлар иштирок этиш истагини билдиргани ҳам фикримизни исботлайди. Улар 73, 90 килограмм ва мутлақ вазн тоифасида гиламга чиқадилар.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

«Ватан ҳимоячилари — юрт ишончи»

Президентимизнинг 2005 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларини бажариш, ҳарбий хизматни тугатган ёшларни рағбатлантириш борасида Хоразм вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан 2006-2007 ўқув йилида ҳарбий хизматни ўтаб, олий ўқув юртларига имтиёзли қабул қилинган 166 нафар талабага ўқув шартномасининг 26 миллион 262 минг сўми тўлаб берилган эди. Бу йил эса 303 нафар ана шундай имтиёзга эга талаба учун ўқув шартномасининг 58 миллион 536 минг сўми ўтказиб берилди.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Берунийагроқурилиш» масъулияти чекланган жамияти қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Айниқса, корхонанинг пластикадан бежирим эшик ва деразалар тайёрлаётган «Акфа-цех»и маҳсулотларига эҳтиёж ортиб, буюртмалар кўпаймоқда.

Буюртмалар кўпаймоқда

— Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган «Алютекс» қўшма корхонасидан материаллар келтириб, чиройли эшик-деразалар ясаяпмиз, — дейди корхона етакчиси Анвар Янгибоев.

Айни пайтда туманда қурилаётган коллеж ва мактаблар учун ҳам эшик ва деразалар тайёрланмоқда.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Янгиланиш самаралари

«Кўрғонтепадонмаҳсулотлари» очиқ турдаги акциядорлик жамияти Украинадан келтирилган энг замонавий асбоб-ускуналар, жиҳозлар билан қайта таъминлангач, ишлаб чиқариш ҳажми ва сифати ортди.

Жумладан, иш кўлами ҳам кенгайди. Чунончи, бу ерда ишлаб чиқарилаётган макарон, печенье, қандолат маҳсулотлари қаторига чиройли идишларга қадоқланиб, истеъмолга чиқарилаётган салқин ичимликлар ҳам қўшилди.

Қўрғонтепа, Жалақудуқ, Хўжаобод туманларидаги 14 та дўконга жорий йилнинг икки ойида 3200 тонна омихта ем етказиб берилди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бухоро шаҳридаги «ЎзКорея-Медикал» қўшма корхонасида ойига ўртача беш миллион донагача бир марта ишлатиладиган шприцлар ишлаб чиқарилмоқда. Корхона маҳсулотига ички бозорда эҳтиёж катта.

Ойига беш миллион дона шприц

Ана шу ҳисобга олиниб, корхона маҳаллийлаштириш дастурига киритилган эди. Мамлакатимиз Президентининг «Маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, бу ерда маҳсулот турини кўпайтириш йўллари изланмоқда. Натижада икки миллиграммли шприцлар ишлаб чиқариш технологияси ўзлаштирилди. Қирқ нафар ишчи меҳнат қилаётган корхонада яқин истиқболда, Маҳаллийлаштириш дастурига кўра, каскед цехи ишга туширилади.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БАНКЛАРНИНГ КАПИТАЛЛАШУВИ ДАРАЖАСИ ОШИРИЛАДИ

Бир рақам шарҳи

2008 йилда мамлакатимизда солиқ соҳасини янада эркинлаштириш сиёсати давом эттирилиб, жумладан, банклар учун даромад солиги **17** фоиздан **15** фоизга туширилади.

Бунинг натижасида бўшайдиган маблағлар банкларнинг капиталлашувини ошириш учун мақсадли равишда йўналтирилади. Демак, уларнинг ресурс базаси кўпайиши туфайли аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга ажратиладиган кредитлар миқдори ҳам ортади.

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Афғонистондаги вазиятни тартибга солиш борасидаги ташаббуслари илк бора илгари сурилаётгани йўқ, — деб ёзади **«Ал-Рай» газетаси.** — Ушбу масалага бағишланган учрашув ва музокаралар авваллари ҳам кўплаб ўтказилган. Бироқ Евроатлантика саммити каби юксак минбардан бундай таклифлар илк бор янгради».

Оммавий ахборот воситалари, шунингдек, Ўзбекистон раҳбарининг ислом динига қарши амалга оширилаётган асоссиз хуруж ва бўҳтонларга йўл қўймаслик зарурлиги тўғрисидаги фикрларига ҳам алоҳида тўхталган. Давлатимиз раҳбарининг фикрлари ўринли ва ўз вақтида билдирилганини таъкидлаган ҳолда, «Ал-Рай» газетаси ўз мақоласини Голландия парламенти депутати Герд Вилдерс томонидан суратга олинган ва мусулмонларнинг диний туйғуларини таҳқирловчи «Фитна» ҳужжатли фильми яратилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ТИВ ҳузуридаги «Жаҳон» ахборот агентлиги хабаридан олинган кўчирма билан тўлдирди.

«Ислом динига нисбатан навбатдаги ҳужумлар ҳозирги кун дунёсида динлараро низоларни атайин келтириб чиқаришга бўлган интилишдан ўзга ҳеч нарса эмас. Бу хилдаги бемулоҳаза ва масъулиятсиз таъналар тинч-тотувликда яшашнинг энг асосий тамойилларига путур етказиб, халқаро ҳуқуқ, одоб ва ахлоқнинг умумэътироф этилган меъёрларига зиддир ҳамда уларни ҳеч бир важ ва ишончсизлар билан оқлаб бўлмайди», деб ёзади «Ал-Рай» газетаси.

«Ал-Анба» газетаси эса ўз саҳифаларида муаллиф Бушра ал-Зайннинг мақоласини эълон қилган. Унда ёзилишича, Бухарест саммитида Ўзбекистон раҳбари янги таклифларни илгари суриб, НАТОни Афғонистондаги вазиятга ижобий таъсир ўтказишга йўналтирилган масалаларни ҳал этиш жараёнига қўшилишга даъват этди. Муаллиф, жумладан, Президент Ислом Каримовнинг Афғонистондаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, ҳокимиятнинг вертикал бошқаруви ва нуфузини мустаҳкамлаш, шунингдек, халқаро коалиция вакиллари маҳаллий аҳолининг ишончини қозониши билан боғлиқ имкониятларни кўриб чиқиш юзасидан билдирган ташаббуслари муҳим эканини қайд этган. Шу билан бир қаторда, мақолада барқарорликни мустаҳкамлаш, Афғонистон халқининг диний, миллий-маданий қадриятлари ва урф-одатларини ҳурмат қилиш, камсонли миллатлар манфаатларини ҳимоя қилиш ва ушбу масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ бўлган барча кафолатларни таъминлаш зарурлиги ҳақида сўз борган.

Бушра ал-Зайннинг ёзишича, Президент Ислом Каримовнинг янги таклифлари факт ва далиллар билан асосланган бўлиб, Марказий Осиё минтақасидаги хавфсизликни таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ҳамкорлик истиқболларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Покистоннинг инглиз тилида чоп этиладиган энг нуфузли нашрларидан бири — **«The Nation»** «Ўзбекистон НАТОга Афғонистонда ўз ёрдамини таклиф қилмоқда» сарлавҳали мақолани эълон қилди. Унда Президент Ислом Каримовнинг «6+3» гуруҳини тузиш юзасидан илгари сурган ташаббусига юқори баҳо берилган. Газетанинг ёзишича, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мазкур гуруҳ фаолиятига НАТОни жалб қилиш борасидаги таклифи мантиқий қарордир. Негаки, НАТО ҳарбий контингенти Афғонистондаги операцияларда бевосита иштирок этмоқда.

Эроннинг инглиз тилида чоп этиладиган **«Техран таймз»** газетаси «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2008 йил 3 апрель куни Бухарест саммитида илгари сурган таклифлари» сарлавҳали мақолани чоп этди. Унда мамлакатимиз раҳбарининг Афғонистондаги барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ бўлган таклифлари ўз ифодасини топган.

Араб давлатларининг бир қатор етакчи оммавий ахборот воситалари, хусусан, Мисрнинг **«Ал-Мустақбал»** газетаси, Саудия Арабистонининг **«Ал-Жазира»** ва Ислом Конференцияси Ташкилотининг электрон ахборот агентлиги **www.islamicnews.org.sa** ҳам ўз саҳифаларида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримовнинг НАТО/СЕАП саммитидаги нутқига бағишланган мақолаларни жойлаштирган.

Юртимизнинг Кувайтдаги элчихонаси кўмагида ушбу мамлакат ижтимоий-сиёсий, академик доиралар ҳамда ОАВ вакиллари иштирокида «Давра суҳбати» ва брифинг ўтказилди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг НАТОнинг Бухарест саммитида сўзлаган нутқи тадбир иштирокчиларининг диққат-марказида бўлди. Учрашув ниҳоясида иштирокчилар юртимиз раҳбарининг нутқи юзасидан фикр-мулоҳазалар билан ўртоқлашди.

Жумладан, узлуксиз таълимга ихтисослашган **Араб очиқ университетининг Бош директори Фахд ал-Мекрад**нинг фикрича, Тошкентнинг Афғонистон муаммосини бартараф этишга оид музокараларда, шунингдек, инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш, йўллар, кўприклар ва бошқа инфратузилма объектларини қуриш жараёнидаги иштироки Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга бўлган интилишидан далолат беради.

Кувайтлик олимнинг айтишича, «Афғонистонга қўшни мамлакатларнинг тинчлик музокараларида иштирок этиши ушбу мамлакатдаги сиёсий, иқтисодий ва гуманитар инқирознинг олдини олиш йўлида янги босқич бўлади».

Табиий фанлар ва технологиялар университети Гуманитар ва табиий фанлар факультети умумий таълим департаменти раҳбари Масъуд Абдураҳим 1997-2001 йилларда самарали фаолият юритган «6+2» гуруҳига НАТОни жалб қилиш ва гуруҳни «6+3»га айлантириш Афғонистондаги ички сиёсий вазиятга ижобий таъсир этиши мумкинлигини таъкидлади.

М. Абдураҳимнинг қайд этишича, Ўзбекистон раҳбари сўнгги йилларда Афғонистон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш бўйича ташаббусларни халқаро миқёсда илгари сурган ягона хорижий давлат раҳбаридир. Бу таклиф ва ташаббуслар Афғонистонга чегарадош давлатлар иштирокида вазият кескинлашувининг олдини олиш ва музокаралар жараёнини бошлаш борасида келишувга эришишга йўналтирилган.

Мустақил журналист Ҳасан Абдулазизнинг фикрича эса «Президент Ислом Каримов қўшни Афғонистоннинг деярли барча асосий муаммоларини тилга олиб ўтди. Уларнинг орасида, аввало, ижтимоий-иқтисодий муаммолар, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда ҳокимият нуфузини мустаҳкамлаш, халқаро коалиция кучларига нисбатан аҳоли ишончини кучайтириш, гиёҳванд моддалар ишлаб чиқариш ва наркотрафикка қарши кураш, самарали фаолият юритувчи давлат институтларини шакллантириш каби масалалар мавжуд.

Оғир ижтимоий инқирозни бошидан кечираётган Афғонистон учун энг муҳим масала, бу — қўшни давлатлар ҳудуди орқали инсонпарварлик ва бошқа ноҳарбий юкларни олиб ўтишдир. Ўзбекистоннинг мазкур мақсадлар учун ўз ҳудудидан фойдаланишга розилик беришга тайёрлиги — эзгу ният ифодасидир.

— Ўзбекистон раҳбари НАТО/СЕАПнинг нуфузли минбаридан туриб, ислом дини ва унинг қадриятларини ҳимоя қилган ягона давлат раҳбари бўлганини алоҳида таъкидлаш даркор. Ислом Каримовнинг муқаддас динимизга нисбатан бўлаётган хуружларга чек қўйишга қаратилган даъватлари — бугунги кунда мусулмон аҳлининг кўнглидан кечаётган ўй-хаёллар, ҳис-туйғуларнинг ёрқин намунасидир, — дея қайд этди кувайтлик журналист.

«Жаҳон» АА.

Бугунги замонавий тиббиёт бутун ер юзида анча тараққий этган бўлиб, асрлардан-асрлар оша инсониятни қийнаб келган талайгина оғир ва ўта юқумли касалликларга қарши кураш борасидаги аниқ чораларни ишлаб чиққан. Аммо тиббиёт илм-фани ана шундай ютуқларга эришган ва тобора илдам ривожланиб бораётган бир пайтда инсоният айрим оғир касалликлардан ҳанузгача азият чекаётганлиги ҳам бор гап.

ИНСОН САЛОМАТЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Замондошларимизни ташвишга солиб келаётган бундай оғир муаммолардан бири қандли диабет касаллигидир. Ушбу хасталик ўта жиддий тиббий-ижтимоий муаммолардан саналади. У ўзининг юқори даражадаги асорати, бемор саломатлигига етказадиган зарари, инсон умрини сезиларли қисқартириши, кўплаб дардмандларнинг ногирон бўлишига олиб келиши, хатарлилиги ва молиявий томондан серхаражатлилиги билан намоён бўлади.

Қандли диабет ер юзида энг қадимги ва шу билан бирга, кенг тарқалган хасталикдан. Милоддан 1,5 минг йил аввал қадимги мисрликлар ўзларининг тиббиётга оид трактати — "Эберс Папируси"да қандли диабетнинг алоҳида касаллик эканлиги ҳақида ёзганлар. Қадимги Юнонистон ва Римнинг машҳур шифокорлари мазкур сирли касаллик хусусида кўп бош қотирганлар. Доришунос-табиб Аретаиус илк бор бу касалликнинг номини ўйлаб топди: "Диабет" "оқаман — тешиб ўтаман", деган маънони англатади.

Маълумотларга кўра, дунёда кўриш қобилиятини йўқотганларнинг 50 фоизини, юрак ишемик хасталигидан (кўпинча, бу миокард инфаркти тарзида) ўлганларнинг 75 фоизини, периферик қон томирларнинг микротомир асоратлари учраётгани оқибатида гангренага дучор бўлиб, оёқлари ампутация қилинаётганларнинг 70 фоизини қандли диабет касаллигининг асоратлари ташкил этади.

Ачинарлиси, қандли диабет касаллиги катталар билан бир қаторда, болалар ва ўсмирларда ҳам учрайди. Шу боисдан, ушбу касалликка чалинган беморлар турмуш тарзини аниқ ва махсус тавсиялар асосида тўғри олиб боришлари, ўз организмларини махсус муолажалар ёрдамида қўллаб-қувватлаб туришлари керак. Табиийки, бу беморнинг ўз шахсий ташвишларидан ташқари катта молиявий харажатларни талаб қилади. Шу боис, сўнгги 10-15 йиллар ичида тадқиқотчиларининг эътиборини ушбу касалликнинг нафақат тиббий, балки иқтисодий жиҳатлари ҳам қизиқтираётганлиги табиийдир. Негаки, беморлар сонининг йилдан-йилга ўсиш тамойили мавжуд. Уларни текширувдан ўтказиш, ташхис қўйиш ва даволаш билан боғлиқ муолажалар харажатни талаб қилади.

Парламент ҳаёти

Мазкур касалликка чалинган беморни даволаш жараёнида ва хасталик билан боғлиқ бўлган ижтимоий муаммоларни ҳал этишда бемор ва давлат дуч келадиган иқтисодий муаммоларнинг туб моҳиятини тушуниб етиш муҳим аҳамиятга эгадир. Хусусан, қандли диабет билан боғлиқ бўлган тўғридан-тўғри, яъни бевосита (дори-дармонларга кетадиган сарф-харажатлар, ўзини ўзи назорат қилишга, тиббий жиҳозлар, лаборатория текширувларига, касаллик туфайли беморнинг касалхона ва уйдаги парваришига кетадиган ҳамда беморнинг ўзи, оила аъзолари томонидан қопланадиган) ва билвосита (касаллик оқибатида ишга лаёқатни йўқотиш, ногиронлик) сарф-харажатларни аниқлашга асосланади. Умуман, давлатлар бюджетининг асосий қисми қимматли инсулин ва қанд миқдорини камайтирувчи дори воситаларига эмас, балки айнан қандли диабетнинг асоратларини даволашга сарфланар экан. Олимларнинг фикрича, асоратларни олдини олишнинг гарови беморнинг ўз қонидаги қанд миқдорини вақтида назорат қилиши, оқилона ва сифатли инсулинтерапияси муолажасини бажариши сингари тиббий маданият билан бевосита боғлиқдир.

Дарҳақиқат, ушбу хасталик дунёнинг барча мамлакатлари учун жиддий тиббий-ижтимоий муаммога айланган. Шу боис Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан 2007 йилнинг 18 январь куни 61/225-рақамли "Умумжаҳон диабетга қарши кураш куни" Резолюцияси қабул қилинган. Шунга мувофиқ, Халқаро диабет федерацияси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг иштирокида ҳар йили 14 ноябрь куни глобал миқёсда "Умумжаҳон диабетга қарши кураш куни" сифатида нишонлаб келинади. Эндиликда бу куннинг БМТга аъзо давлатларнинг барчаси томонидан нишонланиши ҳуқуқий асосга эга бўлди. Шунингдек, БМТнинг айнан ана шу Резолюциясида қандли диабет касаллиги ва унинг асоратлари ҳақида аҳоли хабардорлигини, саводхонлик даражасини ошириш, диабет профилактикаси ва даво чораларидан фуқароларни воқиф этиш, бунда оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш белгилаб қўйилди.

Унда эътироф этилган яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, БМТга аъзо давлатларда диабет профилактикаси, уни даволаш ҳамда беморларни парвариш қилиш бўйича мавжуд соғлиқни сақлаш тизимини янада кучайтириш асносида, шунингдек, БМТнинг «Минг йиллик ривожланиш мақсадлари» дастурида белгиланган вазифаларни инобатга олган ҳолда миллий стратегияни ишлаб чиқиш тавсия қилинган.

Тўғри, бугунги кунда мамлакатимизда қандли диабет хасталигига чалинган беморларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги мутасадди муассасалар, бир қатор нодавлат ташкилотлар томонидан баҳоли қудрат амалга ошириб келинмоқда. Аммо амалга оширилаётган ишлар кўлами беморлар эҳтиёжини тўлиқ қоплаяпти, деб айта олмаймиз.

Жамиятимизда, айниқса, қандли диабет касаллиги сабабли юзага келган ва келаётган муносабатларни тартибга солишга йўналтирилган муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилмаганлиги ҳеч кимни қониқтирмайди.

Юртимизда ушбу хасталик муаммоларини ҳал этишнинг ҳуқуқий-меъёрий базасини мустаҳкамлашимиз ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан саналади. Ушбу касалликка ўз вақтида ташхис қўйиш, даволаш ва олдини олиш, кўрсатиладиган тиббий хизматни замон талабларига мос равишда ташкил этиш, қандли диабетга дучор бўлган беморларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг ишончли тизимини яратишимиз лозим. Шу боис бу борадаги ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва унинг амал қилиш механизмини йўлга қўйиш устида иш олиб борилаяпти. Барча давлат ва нодавлат, ўзини ўзи бошқариш органларининг мазкур йўналишда ҳамкорликдаги фаолиятини жонлантириш учун муносабатларни қонуний асосда тартибга солиш талаб қилинади.

Шунингдек, аҳолини тиббий-ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилишда диабет билан оғриган беморларнинг қонуний манфаатларини ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ташкил этишимиз керак. Ушбу тоифадаги фуқаролар(беморлар)нинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан шуғулланадиган давлат ва нодавлат ташкилотларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Энг муҳими, мазкур вазифаларни бажариш йўлида Ўзбекистон Республикасининг "Қандли диабет касаллигига дучор бўлган беморларни тиббий-ижтимоий муҳофаза қилиш асослари тўғрисида"ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Зуҳра БОТИРОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ҚУЁШГА ИНТИЛГАН ОРЗУЛАР



Жорий йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши ўғил-қизларимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Айни пайтда, бу келажагимиз вористари зиммасига катта масъулият юклайди. Зеро, улар бор билим, тажриба ва куч-ғайратларини Ватан равнақини юксалтиришга сарф этишлари лозим.

Сиз суратда кўриб турган ёш тадқиқотчи Элмурод Абдуллаев Фарғона политехника институтининг электр таъминоти мутахассислиги бўйича магистранти. У тенгдошлари орасида интилувчанлиги, иқтидори билан ажралиб туради. Устози, техника фанлари доктори Шуҳрат Отақулов илмий раҳбарлигида қуёш энергиясини электр энергиясига айлантириш борасида тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

— Давлатимиз раҳбарияти томонидан ёшларга кўрсатилаётган алоҳида эътиборни тенгдошларим, қолаверса, ўз ҳаётим мисолида теран ҳис қиламан, — дейди у. — Изланишларим билан шу азиз юрт равнақига баҳоли қудрат ҳисса қўшолсам, ўзимни бахтли ҳисоблайман.

М. ҚОДИРОВ (ЎзА)
олган сурат.

«Термиз паррандачилик фабрикаси» очиқ ҳиссадорлик жамиятида бугунги кунда 220 минг бош парранда боқиляпти. 2007 йилда 35 миллион дона тухум, 100 тонна пархез гўшт тайёрланган, бунинг эвазига 200 миллион сўм фойда олингани жамоани янада кўтаринки кайфият билан ишлашга рағбатлантирмоқда.

Барака — аҳилликда

Парранда — етти хазинанинг бири, дейишади. Корхонадагилар билан гаплашиб қолсангиз, бу ҳикматнинг маъносини улар аниқроқ тушунтириб бергандай бўладилар. Масалан, бир килограмм қорамол гўштини етиштириш учун 8 килограмм, бир килограмм қўй гўшти етиштириш учун 12 килограммгача ем-озуқа сарф қилиниши бизга маълум. Лекин бир килограмм пархез гўштини етиштириш учун атиги 2 килограмм ем кифоя эканлигига ҳамиша ҳам эътибор қилавермаймиз.

Изланиш

Тухумини айтинг! Хўракларнинг ичида энг оқсилга бойи — шу. Таркибида витаминларнинг ва инсон эҳтиёжига керакли микроэлементларнинг ҳаммаси мавжуд. Организмда юз фоиз ўзлаштирилади.

Термизлик паррандабоқарлар бўш келмадилар. Ишладилар. Изландилар. Турдош соҳа мутахассислари билан ҳамкорликни мустаҳкамладилар. Лозим бўлганда, хорижликларнинг тажрибасига суяниб, наслчиликни йўлга қўйдилар. Ва бундан ҳам муҳими, эл манфаатини, дастурхон тўкинлигини ўйладилар.

— Ютуқларимизнинг сири — аҳиллигимизда, ишчиларимизни, уларнинг рўзғорларидаги қора кўзларни қадрлашимизда, бир-биримизни тўғри тушунишимизда, — дейди корхона мутахассиси Юлия Литвиненко. — Мавриди келганда, бир гапни айтай: ҳашар кунлари биз дошқозонда ош дамлаймиз. Бирон бадиий ҳаваскорлик тўгараги ё номдор санъаткорлар меҳмонимиз бўлишади. Спорт мусобақаларини ташкил этамиз. Бу тадбирлар бизнинг шунчаки ишлаётганимизни эмас, балки завқ билан яшаётганимизни билдирмайдими?!

Гап орасида ўзини кўрсатиб ишлаётганлар тилга олинди: Шарифа, Хуршида, Замира, Бахтигул... Ҳаммаси — ёшлар.

Жорий йил бу ерда тўртта янги спорт тўгараги очилади. Ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари эса, асосан, ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилади.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ — АМАЛДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

лараро ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантириш учун маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури ишлаб чиқилди.

Тармоқлараро кооперация муваффақиятини "Ўзнефтегазмаш" акциядорлик компанияси фаолияти мисолида кўриш мумкин. Ушбу компания ўз эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқариш билан бир қаторда, машинасозлик соҳаси учун ҳам буюмлар ва бутловчи қисмлар тайёрлайди. Айни вақтда Андижон машинасозлик заводи, "Ўзметкомбинат" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, "ЎзЭксайд" қўшма корхонаси, "Наманганмаш" очиқ акциядорлик жамияти, Тошкент асбобсозлик заводи, "Гидравлика" очиқ акциядорлик жамияти ва бошқа корхоналарда буюртмаларини жойлаштиради. "Ўзбекнефтгаз"нинг бошқа акциядорлик компаниялари ҳам турли саноат корхоналари билан самарали ҳамкорлик қилмоқда.

Кўргазмада холдинг акциядорлик компаниялари бўлажак ҳамкорларига ишлаб чиқарилаётган турли товарлар, буюмлар ва бутловчи қисмларни таклиф этди. Тармоқ саноат ярмаркасини бир ҳафта давомида республикамизнинг турли шаҳарларида ҳам ўтказиш, ҳамкорлар билан музокаралар олиб бориш ва истиқболда амалга ошириладиган шартномалар тузиш кўзда тутилмоқда.

"Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси ахборот хизмати маълумотларига кўра, 2008 йилда импорт ўрнини босувчи йўналиш бўйича умумий қиймати 1,4 миллиард сўмдан ортиқ 5 та лойиҳани, маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулот, буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури бўйича қиймати 27 миллиард сўмга тенг 15 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилмоқда.

В. НИКОЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

Халқимизда Ватан маҳалладан бошланади, деган нақл бор. Бу ҳақ гап. Ҳар биримизнинг ҳаётимиз, яхши-ёмон кунимиз маҳаллада кечади. Меҳр-оқибат, баҳамжиҳатлик, тотувлик, самимийлик каби олижаноб туйғулар ҳам шу ерда шаклланади, шу ердан куч олади. Фарзандларимиз учун у бешик. Улар шу маҳаллада камол топадилар. Кўзимиз ўнгида улғаядилар.

Меҳр-оқибат маскани

Тафаккури, маънавий дунёси шу кичик Ватанда шаклланади. Уларнинг қандай инсон бўлиши маҳалладаги муҳитга ҳам боғлиқ. Маҳалланг — ота-онанг, деган гап бежиз айтилмаган.

Ҳозир юртимизда ёшларнинг билим олишлари, соғлом бўлиб вояга етишлари, орзу-умидларини рўёбга чиқаришлари учун ҳуқуматимиз томонидан катта ғамхўрлик қилинаяпти. Барча эътибор ёшларга қаратилган. 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилингани ҳам ана шу ғамхўрликнинг, меҳрибончиликнинг бир тимсоли, албатта. Қайси замонда ёшлар чет элларга бориб, нуфузли олий ўқув юртларида ўқишган? Қайси замонда ёшлар уйли-жойли бўлсин, бекаму кўст рўзғор қилсин дейилган ёки меҳнат қилиши учун шароит яратиб берилган? Ўқисин, одам бўлсин, деб юзлаб янги мактаблар, лицейлар, коллежлар, институтлар бунёд этилаётгани-чи! Ёшларимиз буни билишлари, ҳис қилишлари даркор.

Айтиш керакки, бундай ғамхўрликларнинг барчаси маҳаллада зоҳир бўлади. Буни бизнинг маҳалламиз мисолида кўришимиз ҳам мумкин. Маҳалламиздаги 8 та замонавий мактаб, битта янги қурилган коллежда 6 минг 228 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олаяпти. Ёшларнинг 128 нафари олий ўқув

2008 йил — Ёшлар йили

юртлари талабаси, 28 нафари ҳарбий хизматда йигитлик бурчини ўтаяпти. Коллежни, институтни тугаллаган ёки ҳарбийдан қайтган ёшлар иш қидириб сарсон бўлишмайди. Улар ўрганган ҳунарларига қараб, тезда ишга жойлашиб оладилар. Маҳалламизда, туманимизда бунинг учун шароит бор. Ҳозирда маиший хизмат кўрсатиш уйи, тикувчилик цехи, новвойхона, сут-ни қайта ишлаш цехи ишлаяпти. Яқинда ана шундай корхоналарнинг янгилари иш бошлайди. Шунда маҳалламизда ишсиз ёшлар деярли бўлмайди. Ёш оилаларга иморат тиклашлари учун ер ажратилаяпти. Маблағи етмаганига банклар кредит бераяпти.

Бир гапни айтишим керак: биз ёшлар ўқиш билан, иш билан банд, уларнинг тарбиясига, ҳол-аҳволига мактаб, коллеж ёки ота-онаси қарайди, деб бир четда турганимиз йўқ. Биласиз, ёшлар эътиборсиз қолишса, оқибати яхши бўлмайди. Шунинг учун ҳар бир оилага кириб бориш, уларни назоратсиз қолдирмаслик учун маҳалла — мактаб — оила ҳамкорлигини йўлга қўйганмиз. Маҳалламизда 400 нафар ўқитувчи истиқомат қилади. Уларнинг барчасини оилаларга бирктитиб қўйганмиз. Бунда кўпни кўрган, эл назаридаги, ҳурмати баланд оқсоқоллар, қариялар ҳам четда қолмаяпти. Ёшларни спортга кўпроқ жалб қилиб, бўш вақтларини мазмунли ўтказишларига шароит яратиб бераяпмиз. Мактабларда, коллежда қишки, ёзги спорт майдонлари мунтазам ишлаяпти. Маҳалланинг кураш тўгарагида машғулотлар сира тўхтамайди. «Найман» волейболчилар, «Наврўз» футбол жамоаларимиз эса нуфузли мусобақаларда қатнашаяпти. Мана, беш йилдирки, тўйларимиз ихчам, спиртли ичимликсиз ўтказилаяпти. Тартиб-интизом бор. Шунинг учун бўлса керак, ёшлар ўртасида жиноятчилик қайд этилмаётир. Кўча-кўйда бекорчи ёшларни учратмайсиз. Демоқчиманки, маҳалламиз ёшлари кўча боласимас, юрт боласи.

Маҳалла — Ватанимизнинг бир парчаси. Унга тинчлик-осудалик, орасталик, тартиб-интизом яраша-ди. Маҳалланинг обод бўлиши, гуллаб-яшнаши, айниқса, ёшларимизнинг саъй-ҳаракатларига, орзу-интилишларига боғлиқ.

Шомурод ОТАНАЗАРОВ,
Боғот туманидаги «Найман» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.

Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун

O'ZSANOATQURILISHBANK

Мамлакатимиз Президенти Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида хўжалик субъектларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишларни алоҳида таъкидлади. Дарҳақиқат, Инвестиция дастури доирасида бултур 300 дан зиёд йирик инвестиция лойиҳаси ниҳоясига етказилди. Уларни молиялаштириш мақсадида қарийб 2 триллион сўм сарфланди.

МОДЕРНИЗАЦИЯ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

«Ўзсаноатқурилишбанк» хўжалик субъектларини замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлашга қаратилган инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда фаол иштирок этмоқда

Мамлакатимиздаги мавжуд технологияларни модернизациялаш, замонавий корхоналарни барпо этишда «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Буни банк томонидан амалга оширилаётган ишлар — кўрсатилаётган хизмат турлари, инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун ажратилаётган маблағлар исботлаб турибди. Мухбиримиз ушбу банк бошқаруви раиси биринчи ўринбосари Жаҳонгир ОБИДЖОНОВ билан шу хусусда суҳбатлашди.

— Аввало, шуни айтиш керакки, республикамизда изчил амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар натижасида иқтисодиётнинг юқори суръатларда ўсишига эришилмоқда, — деди у. — Жумладан, иқтисодиётнинг либерализациялашуви, хўжалик субъектлари ва инвесторларга қулай шарт-шароитлар яратилиши ҳамда кенг кўламли имтиёзларнинг тақдим этилиши ўз самарасини бераётир. Ана шу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, саноат, қурилиш, транспорт-коммуникация ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилиб, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ҳамда реконструкция қилиш билан боғлиқ бир қатор мақсадли дастурлар ишлаб чиқилди.

Табиийки, хўжалик субъектларини модернизация қилиш, у орқали иқтисодиётни юксалтириш нечоғли катта, ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги ҳақида узоқ тўхталишнинг ҳожати бўлмаса керак. Зеро, бу, аввалambor, аҳоли бандлиги, унинг иш ҳақи ва даромадларини ошириш, шаҳар ва туманларимиздаги энг муҳим ижтимоий масалаларни ечиш, деганидир. Бу жараёнда иқтисодиётнинг ажралмас қисми бўлган тижорат банклари, жумладан, «Ўзсаноатқурилишбанк» ҳам фаол иштирок этмоқда.

— Шу ўринда аниқ далилларни келтириб ўтсангиз?

— Маълумки, «Ўзсаноатқурилишбанк» ёқилғи-энергетика, машинасозлик, кимё саноати, шунингдек, қурилиш индустриясига тегишли лойиҳаларни амалга оширадиган ташкилотлар билан ўзаро муносабатларни ривожлантиришда етакчи банклардан бири ҳисобланади. 2007-2011 йилларда Кимё саноатини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурига асосан, ҳозирда мазкур банк томонидан Деҳқонобод калий ўғитларини ишлаб чиқариш заводини қуриш, «Фарғонаазот» ОАЖда аммиак ишлаб чиқариш қурилмаларини капитал тиклаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш, «Максам-Чирчиқ» ОАЖда аммиак агрегатини модернизациялаш каби йирик лойиҳаларни молиялаштириш амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, 2007-2012 йилларда Нефть ва газ саноатини ривожлантириш давлат дастурига кўра, Қашқадарё вилоятидаги «Помук» ва «Денгизкўл» конларини ўзлаштиришдек муҳим аҳамиятга молик инвестициявий лойиҳалар устида ҳам иш олиб борилмоқда. Эътиборлиси, банкимиз капитал қурилиш иштирокчиларига молиялашни расмийлаштириш ва тўловларни ўтказишдан тортиб, то қурилишнинг техник ишларини амалга ошириш ҳамда молиялаштирилаётган қурилишга муҳандислик хизмати кўрсатишгача бўлган комплекс хизматларни ҳам кўрсатади.

— Ана шу йирик инвестицион лойиҳаларнинг молиялаштирилиши истиқболда қандай самаралар беради?

— Биласизми, биргина Деҳқонобод заводининг ишга туширилиши туфайли минтақада йилига 200 минг тонна калий ўғити ишлаб чиқаришга ихтисослашган ягона завод вужудга келади.

Натижада минглаб қўшимча иш ўринлари яратилади, қолаверса, у мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ғоят зарур маҳсулот билан таъминлабгина қолмай, балки юртимизнинг экспорт салоҳиятини янада ошириш имконини беради. Ёки бўлмаса, «Фарғонаазот» ва «Максам-Чирчиқ» очиқ акциядорлик жамиятлари билан боғлиқ йирик лойиҳаларни олиб кўрайлик. Кенг кўламли ишларни ўзида мужассам этган ушбу лойиҳалар мамлакатимиз Президентининг 2008 йил 20 мартдаги Қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт фонди ва Хитой Тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмоқда. Шу билан бирга, «Ўзсаноатқурилишбанк» уларни ўз маблағлари ҳисобидан миллий валютада кредитлаш ишларини ҳам амалга оширмоқда. Шубҳа йўққи, бу тадбирлар яқин йилларда иккала корхонада ҳам тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кескин оширишга олиб келади.



Банкимизнинг Корея Ривожланиш банки билан ҳамкорликда «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясига қарашли «Помук» ва «Денгизкўл» конларини ўзлаштиришга қаратилган инвестицион лойиҳаси хусусида ҳам шундай илиқ фикрларни айтиш мумкин. Гап шундаки, мазкур лойиҳаларни амалга ошириш учун «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан жорий йилда жами 179,9 миллион АҚШ доллари, жумладан, республика Тикланиш ва тараққиёт фонди маблағи ҳисобидан 127,4 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилиши белгиланган.

— «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг инвестицион лойиҳаларни миллий валютада молиялаштириш борасидаги фаолияти хусусида нималар дея оласиз?

— Бу ҳақда узоқ гапириш мумкин. Чунки банкимиз 2007 йилда ва шу йилнинг дастлабки уч ойи давомида ўз маблағлари ҳисобидан 128 миллиард сўмлик инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга эришди. Масалан, Фарғона водийсини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш мақсадида қурилаётган улкан иншоотнинг инвестицион лойиҳасини молиялаштиришга 24,4 миллиард сўм, мамлакатимиз енгил саноатидаги мавжуд корхоналарни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш мақсадида 5,7 миллиард сўм, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга 16 миллиард сўм, шунингдек, коммуникация тармоғини ривожлантириш учун 11,5 миллиард сўм кредит ажратди.



Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 10 февралдаги «Автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари ва автомобилларга газ қуйиш шохобчаларини ривожлантириш ҳамда автотранспорт воситаларини суюлтирилган ва сиқилган газга босқичма-босқич ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш бўйича эса, банк томонидан 2007-2012 йилларга мўлжалланган дастурни амалга ошириш учун 3270,0 миллион сўм маблағ сарфланди.

Кўриниб турибдики, ўз мижозларимиз ва шерикларимиз билан тенгхуқуқлилик асосидаги ҳамкорлик банкимизнинг молия имкониятларини самарали тарзда кенгайтиришга, барқарор ўсишни таъминлашга, энг илғор банк воситаларини амалиётга жорий этишга асос бўлмоқда. Ахир, «Ахбор-Рейтинг» банклараро рейтинг компанияси томонидан ўтказилган таҳлилга кўра, мамлакатимиздаги мавжуд тижорат банклари ичида «Ўзсаноатқурилишбанк» «uzA+» рейтинг кўрсаткичига лойиқ, деб топилганлиги бежиз эмас. Бу эътироф банкимизнинг кредит қобилияти юқори даражадалигини билдиради. Кредит қобилиятининг юқорилиги эса, ўз навбатида, кредит хатарининг ўта пастлиги билан ифодаланади.

— Молия тизимида рақобат ўсиб бораётган ҳозирги шароитда банк ўзининг ривожланиш стратегиясига қатъий риоя қилиши талаб этилади. Шундай эмасми?

— Албатта. Шу боис биз ривожланишнинг янада сифатли босқичига чиқиш, замонавий, рақобатбардош, йирик универсал банк мавқеини сақлаб қолишдек асосий стратегик мақсад йўлида фаолият юритишга ҳаракат қилаяпмиз. Аниқроғи, замонавий банк технологияларига таянган ҳолда, мижозларга тезкор ва аниқ хизматлар кўрсатаяпмиз, ижобий натижалар берган бошқа молиявий усулларни банкимиз фаолиятига татбиқ этаяпмиз.

Умуман, «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг барча мижозлари — жисмоний шахслардан тортиб, йирик компанияларгача ҳар доим биринчи даражали банк хизмати кўрсатилишига ишонч ҳосил қилсалар, сира адашмайдилар. Зеро, «Ўзсаноатқурилишбанк» йиллар синовидан дадил ва собит қадам билан ўтаётган молия муассасадир.

Ф. САНАЕВ суҳбатлашди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги «2005-2009 йилларда умумтаълим мактабларини мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги «Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан,

«КЎЗИ ОЖИЗ, ЗАИФ КЎРУВЧИ, КАР ВА СОКОВ МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ»ГА МАХСУС МЕБЕЛЬ, ЎҚУВ-ЛАБОРАТОРИЯ ВА УСТАХОНА ЖИҲОЗЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танлов очиқ турда ўтказилиб, унда умумтаълим ва ихтисослаштирилган синфлар учун мактаб мебеллари ишлаб чиқариш ҳамда ўқув-лаборатория асбоб-ускуналарини етказиб бериш имконияти мавжуд, мулкчилик шаклидан қатъи назар, юридик мақомига эга бўлган, жумладан, кичик бизнес субъектлари — Ўзбекистон Республикаси резидентлари иштирок этишлари мумкин.

Танловда қуйидаги юридик шахслар иштирок эта олмайдилар:

- *қайта ташкил этилаётган, тугатилиш ёки банкротлик ҳолатида бўлганлар;*
- *белгиланган муддат ичида саралаш босқичи учун барча талаб қилинган ҳужжатларни тақдим этмаганлар;*



- *Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий идоралари билан аввал имзоланган шартномалар шартлари бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаганлар ва бажармай келаётганлар;*
- *танлов ўтказилиши тўғрисида эълон берилган кунга қадар ташкил этилганлигига 6 ойдан кам бўлганлар;*
- *Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари билан суд ёки арбитраж жараёнларини бошдан кечираётганлар.*

Танловда қатнашмоқчи бўлган талабгорлар тендер комиссиясининг ишчи органига танлов таклифлари билан биргаликда алоҳида пакетда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- *Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаларидан талабгор банкротлик жараёнида эмаслиги тўғрисида маълумотнома;*
- *давлат рўйхатига олувчи органдан талабгор тугатилиш ёки қайта ташкил этилиш жараёнида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;*
- *талабгорнинг давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
- *Давлат солиқ инспекциясидан талабгорнинг танлов ўтказилиши тўғрисида эълон қилинган кунгача бўлган даврда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалардан қарзи йўқлигини тасдиқловчи маълумотнома;*
- *талабгорга хизмат кўрсатувчи банкдан талабгорнинг танлов ўтказилиши тўғрисида эълон қилинган кунгача бўлган даврда асосий ва иккиламчи ҳисоб рақамлари, картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлигини тасдиқловчи тегишли маълумотнома;*
- *талабгорнинг ишчи органга танловда қатнашиш учун таклиф этаётган маҳсулот намуналари ёки каталогларини тақдим этганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси.*

Талабгор танловда иштирок этиш учун тегишли лотлар бўйича маҳсулот намуналарини 2008 йил 10 май куни соат 15.00 гача топшириши шарт.

Танловларда ғолиб деб топилган корхона ва ташкилотлар имзоланган шартномалар бўйича барча мажбуриятларини шартномада келишилган муддат ичида бажаришлари талаб этилади.

Танлов тўғрисида қўшимча маълумот олиш учун танлов комиссиясининг ишчи органи ҳисобланган «Ўқув-таълим-таъминот» давлат унитар корхонасига эълон чоп этилгандан бошлаб (ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларидан ташқари) танлов таклифларини қабул қилишнинг охирги кунига қадар ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, «Сайрам» кўчаси, 92-уй.
Телефонлар: (8371) 268-03-37, 268-75-85. Факс: (8371) 268-03-37.

Танлов таклифлари тендер комиссиясининг ишчи органига (ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларидан ташқари) юқорида кўрсатилган манзил бўйича 2008 йил 15 май куни соат 15.00 дан кечикмасдан тақдим этилиши лозим.

Қўшхабар

Бозорлар чирой очмоқда

Бекобод шаҳрида савдо-сотиқ йил сайин ривожланиб бормоқда. Шунга кўра, мавжуд шохобчалар ҳам кенгайтирилмоқда. Чунончи, яқинда деҳқон бозорида қўшимча равишда 32 та дўкон очилди. Буюм бозорида маъмурий бино ва 28 та турғун савдо растаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ғалаба кўчасида эса иккита янги дўкон ва ошхона аҳолига хизмат кўрсата бошлади.

Безарар муҳофаза

Жойларда фермерлар ва томорқа эгалари мушкулини осонлаштирувчи кўплаб биолабораториялар ишлаб турибди. Яқинда уларнинг сони яна биттага ортди. Паркент туманининг "Навбаҳор" агрофирмаси ҳудудида токзорларни турли-туман зараркунандалардан муҳофаза қилишга ихтисослашган биолаборатория ташкил этилди.

Янги шохобча агроном-энтомологлари, мутахассислари ва лаборантлари нафақат паркентликларга, балки мева-сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган Бўстонлиқ, Оҳангарон, Қибрай, Тошкент ҳамда Зангиота туманларидаги мижозларга ҳам хизмат кўрсатади.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ОРГАНИЗАЦИЯ ПРЕДЛАГАЕТ ПРЯМЫЕ ПОСТАВКИ НА ВЫГОДНЫХ УСЛОВИЯХ

СПЕЦТЕХНИКИ из КНР

☑ АВТОКРАНЫ ☑ АВТОГРЕЙДЕРЫ ☑ БУЛЬДОЗЕРЫ ☑ САМОСВАЛЫ
☑ АВТОБУСЫ ☑ ЭКСКАВАТОРЫ ☑ ФРОНТАЛЬНЫЕ ПОГРУЗЧИКИ
☑ ОБОРУДОВАНИЕ
под заказ

Тел.: (+998-97) 420 00 59, 740 54 00 Факс: (+998-71) 281 50 93 E-mail.: asiaenergoinvest@mail.ru

Алоҳида ҳолда ИСИТИШнинг янгича ечими — газда ишлайдиган АКОГ иситиш конвектори:

- *хонани тезда иситади;*
- *белгиланган ҳароратни автоматик равишда бир маромда сақлайди;*
- *совуққа чидамли, сув, электр таъминоти ва газ босими ўзгариши унга таъсир кўрсатмайди;*
- *газни тежаб сарфлайди;*
- *бинолар, коттеджлар, далаҳовлидаги уйларни иситишда унинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди.*

Ишлаб чиқарувчидан арзон нархларда тўғридан-тўғри етказиб берилади. Етказиб бериладиган маҳсулот сертификатланади.

Тошкентдаги телефон: 242-84-64, тел./факс: 242-93-73. E-mail: ubcazia@rambler.ru

ООО «Росагропромснаб» предлагает:

СЧЕТЧИКИ ГАЗА ультразвуковые «Гобой-1»

СЧЕТЧИКИ ГАЗА вихревые СВГ.М

На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия.
Гарантийный срок на поставляемую продукцию – 12 месяцев со дня установки.
Отдельно предприятие поставляет краны, отводы, задвижки и фильтры различных диаметров.

Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, кв-л 6, д. 2 (Ор-р – метро «М. Улугбек»)
Товар сертифицирован
Тел./факс: 273-16-40, 276-90-57

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
236-09-25
232-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Тошкент автомобиль-йўллар институти раҳбарияти ва жамоат ташкилотлари институт кекса ходимаси

Нури ая РЎЗМАТОВАнинг

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Истиқлол йиллари Нуротага бахт ато қилди. Президентимизнинг тарихий обидаларни таъмирлаш ва тиклашга қаратилган доно сиёсати «Чашма» мажмуасининг ҳам янгича, бетакрор чирой очишига олиб келди. Собиқ шўролар даврида бу масканнинг дарвозасига қатор қулфлар осилган бўлиб, кириб зиёрат қилишнинг сира имкони йўқ эди.

НУРОТА ЧАШМАСИ

Истиқлол туфайлигина «Чашма» табиий-тарихий кўриқхонасини ободонлаштириш, тиклаш ва қайта қуриш имкониятига эга бўлдик. Аслида Нуротанинг ўзи улкан бир музей. Унинг қадимги Нур шаҳрига доир иншоотлари, бу ердан топилган ноёб буюмларнинг ҳар бири авайлаб-асрашга, кўз-кўз қилишга ва қадрлашга муносиб. Умуман, қадимий Нур, унинг чашмаси, кўҳна қалъа, Пироста девори, зиёратгоҳлар, масжид ансамбллари, боринги, сув тармоқлари — буларнинг ҳаммаси миллийлиги, ўзига хослиги билан жиддий аҳамият касб этади, десак, муболаға бўлмас.

Нур қалъаси Марказий Осиёда исломга қадар қурилган антик археологик ёдгорликлардан бири саналади. Буюк Ипак йўлининг бир тармоғи Нур шаҳри орқали ўтган, XVI аср меъморий обидаси — катта Гумбаз масжиди, Шайх Абдул Ҳасан Нурий мақбараси, мадраса ва бошқа меъморий обидалар алоҳида аҳамиятга эгадир.

Нуротада оқар сув йўқ. Аждодларимиз унинг серунум тупроғидан фойдаланиш мақсадида коризлардан фойдаланганлар. Кориз чиқаришда дастлаб қияликларнинг баланд жойидан бир неча қудуқ қазилган. Сув чиқариладиган бош қудуқ чуқурлиги 18-20 метр бўлган. Ва уларнинг ҳар бирига ном қўйилган. Бу номлар ҳозиргача элтилида янграб келади. Қувондиқ, Хайробод, Адизобод, Мири, Кўнчи, Мастон, Алпухори сингари коризлар 365 та бўлиб, уларнинг ҳар бири бир неча километрга чўзилган. Ҳар бир коризда қудуқлар сони 150 дан 250 тагача бўлган.

Ватан манзаралари

Ўтган асрнинг бошларида Нуротага келган рус олими А. Л. Димо Нурота чашмаси сувининг кимёвий таркибини биринчи бўлиб аниқлаган. Унинг таъкидига қараганда, бир литр сувда 278 грамм туз борлиги маълум бўлган. Таркибида эса хлор, сульфат, калий, кальций, магний, крембити секундига 220-230 литрни, ҳарорати йилнинг ҳар тўрт фаслида + 19,5 даражани ташкил этади.

Нурота чашмасининг суви таркибида хилма-хил кимёвий моддаларнинг мавжудлиги унинг шифобахшлигини тасдиқлайди.

— Биз уларни минерал сувлар деб атаймиз, — дейди геология ва минерология фанлари доктори Н. А. Кенисарин, — ер ости сувлари турли жинслар орасида бўлганлигидан, улар тоғ жинсларини маълум даражада эритади. Эрийдиган турли хил тузлар тоғ жинсларида қанчалик кўп бўлса, сув билан тоғ жинслари бир-бирига қанчалик кўп таъсир кўрсатса, сув шунчалик минераллашади. Дунёдаги нарзан, боржоми, есентуки сингари кўплаб шифобахш минерал сувлар бор. Уларнинг таркибида йод, бром, бор, литий, барий ва бошқа химиявий элементлар анчагина. Нурота чашмасининг суви ҳам ана шундай хусусиятларга эга.

...Нурота чашмаси ҳақида сўз борар экан, асрлар давомида одамларни ҳайрат оламига бошлаган ширмоҳи балиқлар ҳақида ҳам сўзламоқ лозимдир. Фан тилида маринка деб аталадиган бу балиқлар нега овланмай келинади? Чашма ҳамда булоқлардаги ширмоҳи балиқларнинг устки бел томони қорамтир, қорин юзаси оқ-сарғиш рангда. Бу балиқларни сувнинг ҳарорати паст бўлган булоқ ва чашмаларда учрата оламиз. Ширмоҳи балиқларнинг қорин қисми қора парда билан ўралган. Агар балиқ тутилиб, қора парда олиб ташланмасдан истеъмол қилинса, кишининг заҳарланишига, ҳаттоки ўлимга сабаб бўлиши ҳам мумкин. Маҳаллий аҳолининг ширмоҳи балиқларни овлашга ҳеч қачон иштиёқи бўлмаган.

Айтиш жоизки, чашманинг мунаввар суви тўрт арриққа бўлиниб, шаҳардаги гулзорлар бўйлаб оқади. Бу жараёнда ширмоҳи балиқлар ҳам ўз ҳаракатини давом эттиради.

Яқинда яна Нурота чашмаси бағрига шошилдик. Чашма мажмуаси узоқ-яқиндан келган саёҳатчилар билан гавжум. Улкан чашма суви биллур тангалардай офтоб нурида ялтирайди. Сув бағридаги ширмоҳи балиқлар аквариумдагидек сокин ҳаракатда бўлади. Ер бағридан ва харсанг тошларнинг кавакларидан оқаётган сув нур бўлиб қалбингизни поклайди. Сув тубидаги сон-саноқсиз балиқлар чағир тошлар бағрига бошини қўйиб, ўзи учун керакли тузларни шимиради.

Чашма сувининг таърифига сўз етмайди. Яхшиси, Нурота томонларга ўтиб қолсангиз, бу бетакрор жойни томоша айлаб, унинг шифосидан баҳраманд бўлинг, шунда бошингиз узра ҳақиқатан ҳам нур томчилари ёғилаётганлигини ҳис этасиз.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Билиб қўйган яхши

ШИФОБАХШ ДАЛАЧОЙ

Далачойни қизил пойча, чойўт, чой, сариқ чой деб ҳам аташади. Гуллари тилла ранг. У йўл ёқаларида, ариқ бўйларида, ўтлоқларда, бедазорларда, боғларда, тоғ ён бағирларида ўсади. Тиббиётда ўсимликнинг ер устки қисми қўлланилади. Халқ табобатида далачой дамламасидан буйрак, қовуқ, меъда-ичак хасталикларини даволашда, қон тўхтатувчи восита сифатида фойдаланилади.

Илмий табобатда далачой иситмалаганда, бавосилда тавсия этилади. Олимлар изланишлар натижасида ўсимликдан «Фларистен» деган дори препаратини яратишга муваффақ бўлишган. Бу дори гинекологик касалликларни даволашда ишлатилади.

Далачой грипп, суякларнинг қақшаб оғришида фойда қилади. Тунда пешоб тута олмасликда наф беради. Далачойнинг спиртдаги тиндирма (настойка)си меъда-ичак йўли, бош оғриғи, бавосил хасталикларини даволашда яхши наф келтиради.

Тиндирма тайёрлаш учун 15 грамм қуритилган далачой ўти 40 фоизли спиртга (200 мл) солинади ва 10 кун мобайнида дамлаб қўйилади. Сўнгра 30 томчидан 3 марта кунига ичилади. Ушбу тиндирмадан суюлтириб, милкларни мустаҳкамлашда, оғиз бўшлиғидаги нохуш ҳидлардан халос бўлишда фойдаланилади.

Ёрилган, кесилган ва бошқа жароҳатларида далачой мойи ажойиб малҳамдир. Бу мойни уй шароитида тайёрлаш учун 20 грамм янги далачой гуллари 200 грамм кунгабоқар ёғига солиб, омухта қилинади. Икки ҳафта давомида дамлаб қўйилади ва сузилади.

Сўнгра совутилган ҳолда 1/3 стакандан кунига уч марта таомдан олдин ичилади.

Мирзамир МИРШАРИПОВ.

Спорт • Sport • Спорт

«Машъал» кучли учликда

Футбол бўйича мамлакат XVII миллий чемпионатининг бешинчи тур учрашувлари ҳам қизғин курашларга бой бўлди.

Янги мавсум беллашувларини муваффақиятли ўтказаётган "Сўғдиёна" жамоаси кутилмаганда ўз майдонида "Машъал"га 2:4 ҳисобида имкониятни бой берди. Мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони "Пахтакор" Ғузорнинг "Шўртан" жамоасини 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Медаллар учун кураш олиб бораётган "Қурувчи" жамоаси сафарда "Қизилқум" устидан йирик — 5:1 ҳисобидаги ғалабага эришди.

Бешинчи турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: ОТМК —"Андижон" 1:0, "Бухоро" — "Навбаҳор" 2:1, "Насаф" — "Металлург" 2:0, ЎзДонгЖу — "Динамо" 1:1, "Нефтчи" — "Локомотив" 1:0.

Ҳозирча турнир жадвалида "Қурувчи" жамоаси 15 очко билан яккапешқадам бўлиб турибди. Иккинчи ўринда бораётган "Пахтакор" ҳисобида 13 очко бор. Муборакнинг "Машъал" жамоаси 11 очко билан учинчи ўринга кўтарилиб олди.

ЧЕМПИОНЛАР АНИҚЛАНДИ

Пойтахтимизда Фудокан каратэ-до бўйича навбатдаги Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

Икки кун давом этган беллашувлар якунига кўра, Самарқанд вилояти каратэчилари 9 та олтин, 12 та кумуш ва 8 та бронза медалини қўлга киритиб умумжамоа ҳисобида фахрли биринчи ўринни қўлга киритдилар. Иккинчи ўрин Жиззах, учинчи ўрин эса Сурхондарё вилояти каратэчиларига насиб этди.

Шахсий биринчиликда ака-ука Ойбек, Фаррух ва Умиджон Ҳакимов, Ашраб Акрамов, Одил Облақулов, Паҳлавон Тоҳиров, Далер Сайфиев, Шерзод Ҳикматуллаев, Мўмин Раҳимов, Зафар Нажмиддинов, Акмал Ўктамов ва Нодир Акмалов яхши кўрсаткичга эришдилар.

Ўн поғонага кўтарилдик

Халқаро футбол федерацияси — ФИФА дунё терма жамоаларининг апрель ойи учун янги рейтинг жадвалини эълон қилди.

Аҳамиятлиси, рейтингда Ўзбекистон терма жамоаси ўн поғона юқорига кўтарилиб, 60-ўриндан жой олди. Ҳамюртларимиз МДҲ вакиллари ичида Россия ва Украина футболчиларидан сўнг учинчи ўринда қайд этилган.

Футзалчилар Бангкокда беллашади

11-18 май кунлари Таиланд пойтахти Бангкок шаҳри футзал бўйича навбатдаги Осиё чемпионатига мезбонлик қилади.

Кеча ушбу мусобақага қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Унга кўра, қитъанинг 16 та кучли жамоаси 4 гуруҳга бўлиниб баҳс юритадиган бўлди. Эслатиб ўтамиз, Осиё чемпионатида кучли тўртликдан жой олган жамоалар тўғридан-тўғри жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритишади.

AFC FUTSAL CHAMPIONSHIP THAILAND 2008

"А" гуруҳи:
Қирғизистон, Таиланд, Ироқ, Индонезия.

"В" гуруҳи:
Япония, Австралия, Туркманистон, Хитой Тайпейи.

"С" гуруҳи:
***Ўзбекистон**, Ливан, Жанубий Корея, Малайзия.*

"Д" гуруҳи:
Эрон, Тожикистон, Хитой, Кувайт.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.

ISO 9001:2000

COSCOM TARIFLARI ICHIDA

CHEMPION

TARIF REJASI

2 : 0

SENT O'ZBEKISTON BO'YICHA BARCHA QO'NG'IROQLAR SO'ZLASHUVNING BIRINCHI DAQIQASIDAN BOSHLAB

ABONENT TO'LOVI

COSCOM

Uyali aloqa uchun xarajatlarni hisoblashdan charchadingizmi?
Kalkulyator eng zarur narsaga aylanib qoldimi?
Tarif rejalarining ko'plab shartlari sizni adashtirib yubordimi?
Biz sizga juda ham oddiy tarifni taklif etamiz.
Hech qanday abonent to'lovi yo'q,
so'zlashuvning bir daqiqasi esa
endi haqiqatan ham 2 sent.
Va albatta, COSCOM abonentlaridan kirish
qo'ng'iroqlari BEPUL!

Mobillik hechqanday qoidalarsiz yuborilsin
Qo'shimcha COSCOM xizmatlari
Narxlar COSCOM tarifi bo'yicha

To'lov O'zAPAB tomonidan belgilangan to'lov kunidagi kurs bo'yicha so'mda amalga oshiriladi
Xizmatlar Rivojlanish agentligi
(Litsenziya AA № 0002348, O'zAAA tomonidan berilgan)

Вазирликлар, идоралар, бирлашмалар раҳбарлари ҳамда ишбилармонлар диққатига!

«ЎЗМЕТКОМБИНАТ» АИЧБ

2008 йил 18 апрель куни соат 10.00 да
Бекобод шаҳридаги Металлурглар маданият саройида

СОҲА САНОАТ ЯРМАРКАСИНИ ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ БИЛАН ЎТКАЗАДИ.

Кўргазма-ярмаркада «Ўзметкомбинат» АИЧБда ишлаб чиқарилаётган кенг ассортиментдаги маҳсулотлар намойиш этилади.

Қора металлар прокати, янчадиган золдирлар (мелюшие шары), мис ленталар ва унинг қотишмаси, симлар, диаметри 3, 4, 5 мм. бўлган УОНИ 13-55 пайвандлаш электродлари, пўлатдан ишланган сирланган идиш-товоқлар ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ҳамда маҳаллийлаштириш дастури бўйича ишлаб чиқарилган бошқа маҳсулотлар.

Барчани ярмаркага таклиф этамиз!

ДАВЛАТ, ХУСУСИЙ ҲАМДА МУЛКЧИЛИК ШАКЛИ ТУРЛИЧА БЎЛГАН КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

КРИМИНАЛИСТИК ТАҚҚОСЛАШ МИКРОСКОПИ АППАРАТ-ДАСТУРИ МАЖМУИНИ ХАРИД ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Етказиб бериш муддати — шартнома тузилгандан сўнг 90 кун давомида.
Етказиб бериш шартлари — CIP (DDU) Тошкент шаҳри.
Буюртмачи — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги.
Тўловлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси — сўм ва АҚШ долларида бюджет ҳисобидан амалга оширилади.
Молиялаштириш шартлари: 15% — олдиндан тўлов, 85% — маҳсулот буюртмачининг омборига келиб тушгандан сўнг ёки 100% аккредитив очиш орқали.
Тендер савдоси ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси ИИВ Моддий-техника таъминоти бошқармаси.

Таниқли ва жаҳон бозорида номи чиққан (Leica Microsystems Wetzlar GmbH, ПЕЛЕНГ ва бошқалар) ишлаб чиқарувчиларнинг ускуналарини таклиф этиш лозим.

Тендер қатнашчилари қуйидаги талабларга жавоб беришлари шарт: ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига етказиб бериш тажрибаси ҳамда республика ҳудудида шаҳар ва вилоят сервис марказларига эга бўлишлари керак.

Тендер ҳужжатларининг умумий баҳоси — Ўзбекистон Республикаси резидентлари учун 150 000 сўм ва хорижий корхоналар учун 150 АҚШ доллари миқдорида белгиланган.

Тендер таклифлари 2008 йил 10 апрелдан 10 май, соат 17.00 гача қабул қилинади.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Ш. Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.

Маълумот ва тендер ҳужжатларини олиш бўйича ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзилга ёки қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 236-27-82, 281-43-74. Факс: 8 10 998 (371) 281-43-73. E-mail: umtvs@uzpak.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 37080 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Қутбиддинов.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 22.35 1 2 3 4 5 6 7